БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 290 (18.168). • 17 декабрь 1981 йил, пайшанба • Баҳоси 2 тийин.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВГА АФҒОНИСТОННИНГ ОЛИЙ МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ



Мукофотни топшириш пайти.

(ТАСС—ЎзТАГ телефотоси).

Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитети Бош секретари, Афғонистон Демократик Республикаси Революцион кенгашининг Раиси Бабрак Кармал 16 декабрда Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежнева Афғонистон Демократик Республикасининг олий мукофоти — «Озодлик қуёши» орденини топширди.

Залда Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Я. Пельше, М. А. Суслов, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, Ш. Р. Рашидов, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, К. В. Русаков ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Б. Е. Саркисов, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми масъул ходимлари ҳам шу ерда бўлдилар. Афғонистон томонидан АХДП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат М. Барьялай, АХДП Марказий Комитети секретари Н. М. Моманд, АХДП Марказий Комитети аъзолари А. Қодир, Ш. М. Дўст, М. С. Карваль, АХДП Марказий Комитети аъзолигига кандидат М. А. Фарзам, АДРнинг СССРдаги элчиси Х. Мангал иштирок этдилар.

Ўртоқ Б. Кармал билан Л. И. Брежнев нутқ сўзладилар.

Ўртоқ Б. КАРМАЛ нутқи

Ўртоқ Б. Кармал Леонид Ильич Брежневга туғилган кунининг 75 йиллиги муносабати билан унга Афғонистон Демократик Республикасининг олий мукофоти — «Озодлик қуёши» орденини тақдим этиб, самимий қардошларча меҳр-муҳаббат, чуқур ҳурмат ва астойдил миннатдорчилик изҳор этди. Бу мукофот, деди у, Афғонистон халқининг ўз дўсти ва қўшниси улуғ совет халқига, унинг ленинчи Коммунистик партиясига ва шахсан Сиз, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси азиз, ўртоқ Леонид Ильич Брежневга Афғонистон халқи чексиз миннатдорчилигининг мужассам рамзидир.

Шарқда «Темирни ўт билан, дўстликни замон билан синаб кўрадилар», деган нақл бор. Замон Афғонистон ва Совет Иттифоқи халқларининг чуқур тарихий илдизлари бўлган дўстлиги абадий мустаҳкам ва бузилмас эканлигини кўрсатди. Афғонистоннинг ўз миллий мустақиллиги ва социал тараққиёти йўлидаги кураш тарихи Совет Иттифоқининг мамлакатимиз ривожининг энг қийин даврларида бизга ҳамиша биринчи бўлиб қардошлик ва ҳамкорлик қўлини чўзганлигидан далолат бериб турибди.

Афғонистон халқининг Британия мустамлакачилигига қарши қаҳрамонларча кураши натижасида халқаро майдонда мустақил, суверен ва мағрур Афғонистон вужудга келди ва Афғонистоннинг бу мустақиллигини улуғ Ленин бошчилигидаги Совет ҳукумати биринчи бўлиб эътироф этди.

Ўртоқ Б. Кармал сўзини давом эттириб бундай деди: Империализм, гегемонизм ва региондаги реакциянинг қора кучлари 1978 йилги Апрель революциясининг ғалабасидан кейин Афғонистон Демократик Республикасига қарши эълон қилинмаган уруш бошлаган бир вақтда қудратли Совет Иттифоқининг эксцевар афғон халқи олиб борган қаҳрамонларча курашини қўллаб-қувватлаганлиги дарҳақиқат бебаҳодир. Шу мадад берилмаганда революцион, озод, мустақил ва блокларга қўшилмаган Афғонистон вужудга келмаган бўлур эди, деб биз бир неча марта айтдик ва айтмоқдамиз. Бу мадад — сиз алган ленинчи, содиқ интернационалист, замонамизнинг доно сиёсий ва йирик давлат арбоби ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги КПССнинг чинакам илмий ва узоқни кўзловчи сиёсати натижасидир.

Азиз ўртоқ Брежнев, Сизнинг номингизни Ер юзининг барча қитъаларида яхши биладилар, бу ном «тинчлик», «озодлик», «тенглик» ва «адолат» сўзлари билан ҳамиша чамбарчас боғланган бўлиб, энг яхши истиқбол учун комил ишонч рамзидир.

Сизнинг ҳормай-толмай қилаётган меҳнатингиз ленинча тинчлик сиёсатининг, барча тараққийпарвар кучлар билан дўстлик, қардошлик ва бирдамлик сиёсатининг асосий мазмуни бўлган юксак ғояларни ва олижаноб мақсадларни амалга оширишга қаратилгандир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Сизнинг доно раҳбарлигингиз остида совет халқини коммунистик жамият қуриш йўлида янги ғалабалар сари олға бошлаб бормоқда. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг фаолияти ўз миллий ва социал озодлиги учун курашаётган Шарқдаги барча прогрессив халқларнинг ёрқин йўлчи юлдузидир.

Афғон халқи номидан, АХДП Марказий Комитети, АДР Революцион кенгаши ва ҳукумати номидан ҳамда шахсан ўз номидан ўртоқ Б. Кармал Леонид Ильич Брежневни шонли юбилей билан табриклади ва унга чин қалбдан кўп йиллар соғ-саломат бўлишини тилади.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз ўртоқ Кармал!

Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитети, Афғонистон Демократик Республикасининг Революцион кенгаши ва ҳукумати мени «Озодлик қуёши» ордени билан мукофотлаш тўғрисида қарор қабул қилганлигидан ғоятда мамнуниман. Менга топширилган мукофот учун сидқидилдан раҳмат.

Афғонистоннинг олий ордени — «Озодлик қуёши»нинг номи чиройли ва сиёсий жиҳатдан аҳамиятлидир. Бу ном афғон халқи курашган ва курашаётган Апрель революцияси амалга оширилган ўша порлоқ куннинг рамзидир, деб айта оламиз. Социал тараққиёт, миллий мустақиллик ва адолатли дунё — буларнинг ҳаммаси озодлик тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир.

Ёш республика халқ турмушини яхшилаш, асрий қолоқликни тугатиш ишида эришган муваффақиятлар демократик Афғонистон дўстларини астойдил қувонтирмоқда. Халқ Демократик партияси ва ҳукумат ўтказаётган сиёсатни аҳолининг тобора кенг қатламлари — ишчилар, ҳунармандлар, деҳқонлар, зиёлилар ва руҳонийлар, кўпдан-кўп қабилалар ва элатлар қўллаб-қувватламоқдалар. Афғонистон революцияси енгилмаслигининг гарови ҳам мана шундадир.

Бизнинг жанубдаги қўшнимиз Афғонистон ёш Совет республикаси тенг ҳуқуқли муносабатларни ўрнатган биринчи мамлакат бўлган эди. Сарчашмаларида Владимир Ильич Ленин турган Совет — Афғонистон дўстлиги ўша пайтдан буён нақадар мустаҳкамланди, алоқалар нақадар кенгайиб кетди!

Бизнинг дўстлигимиз ва ҳамкорлигимиз афғон халқи машаққатли синовларни бартараф этишига, мураккаб ички ва ташқи муаммоларни ҳал қилишига тўғри келаётган ҳозирги шароитларда янгича тобланмоқда.

Империалистик, реакцион кучлар Афғонистоннинг ички ишларига аралашувни ҳамон тўхтатмаяптилар. Афғон халқига қарши ғаламислик режаларини тузаётган кимсалар улар Афғонистоннинг мустақиллик ва тараққиёт йўлидан олға боришига халақит беришга қанчалик уринмасинлар, бу уринишлар муқаррар барбод бўлишини англаб олишлари пайти келди. Афғонистон узра озодлик қуёши порлаб бошлади, зотан уни ҳеч ким сўндира олмайди!

«Афғонистон проблемаси» теварагида жўрттага шовқин-суронни авж олдираётган кимсаларга ҳам биз шундай деб айтишни истардик: Шу проблемага ҳақиқатан ҳам барҳам бериш истаги бўлса Афғонистон ишларига ташқаридан аралашувни тўхтатиш, Афғонистон теварагидаги аҳволни сиёсий бартараф этиш мақсадидаги куч-ғайратларга яқиндан қўшилиш керак.

Бунинг учун яхши негиз — Афғонистон Демократик Республикаси ҳукумати олға сурган таклифлар ва ана шу таклифларда бирон бир томоннинг ҳам манфаатларига зиён етказмайдиган ва афғон халқига осойишталикни, қўшни мамлакатларга эса блокларга қўшилмаган мустақил Афғонистон билан барқарор муносабатларни ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни таъминлайдиган қарорларнинг ҳақиқатан ҳам реалистик ва ғоят мақбул имкониятлари баён этилган.

Бугунги учрашув муносабати билан мен ана шуларни айтиб ўтишни истардим. Совет Иттифоқи революция ғалабаларини ҳимоя қилишда афғон халқига қандай ёрдам берган бўлса бизнинг мамлакатимиз одилона сиёсий бартараф этишни таъминлашда халқаро тинчлик ва барқарорлик манфаатларини кўзлаб бундан буён ҳам Афғонистонга ёрдам беришга тайёр эканлигини илова қилмоқчиман.

Ўртоқ Кармал, Сизга, Афғонистоннинг барча раҳбарларига фахрли мукофот учун яна бир бор сидқидилдан ташаккур билдираман. Афғонистоннинг дўст халқига тинчлик, омон-эсонлик, бахт-саодат тилайман!

* * *

Б. Кармал ва Л. И. Брежнев ўртоқларнинг нутқлари зўр эътибор бериб тингланди ва қарсаклар билан кутиб олинди.

Ҳозир бўлган кишилар ўртоқ Л. И. Брежневни АДРнинг олий мукофоти билан самимий муборакбод этдилар. Улар Леонид Ильичга Советлар мамлакатининг фаровонлиги, Ер юзида тинчлик ва социал тараққиёт манфаатлари йўлида, КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш соҳасида бундан буён ҳам самарали ишлашини тиладилар.

(ТАСС).

КОММУНИЗМНИНГ УЛУҒ ҒОЯЛАРИГА ХИЗМАТ НАМУНАСИ

СОФИЯ, 15 декабрь. (ТАСС). Бугун Болгария пойтахтининг марказида София меҳнаткашлари вакилларининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг бронза бюсти очилишига бағишланган тантанали митинги бўлди. БХР Давлат Кенгашининг Фармонига биноан ўртоқ Л. И. Брежневга Болгария Халқ Республикасининг Қаҳрамони унвони берилди ва унга Олтин Юлдуз ҳамда Георгий Димитров ордени топширилади. Ўртоқ Л. И. Брежнев БХРнинг ана шу олий унвонини учинчи марта олишга сазовор бўлди.

Митингда БКП Марказий Комитети Бош секретари, БХР Давлат Кенгаши Раиси Т. Живков, республика партия ва ҳукуматининг раҳбарлари, КПСС Марказий Комитети секретари М. В. Зимянин бошчилигидаги СССР партия-давлат делегацияси ҳозир бўлди.

Митингни БКП Марказий Комитети секретари, БКП София шаҳар комитети биринчи секретари Ч. Александров очди. Шундан кейин Т. Живков ва М. В. Зимянин Л. И. Брежнев бюстини очдилар. Митингда ўртоқ Т. Живков нутқ сўзлади.

1981 йил 15 декабрь куни, деди у, БХР коммунистлари ва меҳнаткашларининг ҳаётида унутилмас кун бўлиб қолади. Бугун Софияда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг бронзабюсти очилди. Л. И. Брежнев Болгария Халқ Республикасининг Қаҳрамони деган унвонни уч марта олди. У тинчлик учун Димитров мукофоти лауреатидир. Бугунги воқеа биз, болгар коммунистлари учун, бутун халқимиз учун аввало, партияларимиз, мамлакатларимиз ва халқларимизнинг қардошларча дўстлиги, бузилмас бирлигининг ёрқин рамзидир.

Ҳамиша барҳаёт Ленининг содиқ шогирди ва унинг революцион ишини зўр истеъдод билан давом эттирувчи Л. И. Брежневнинг бутун фаолияти коммунизмнинг улуғ ғояларига хизмат қилиш намунасидир. Ленининг ғоялари ва васиятлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, КПСС Марказий Комитети ва унинг Сиёсий бюросининг ишончли қўлларида эканлигига ҳаммамиз астойдил аминмиз.

Кенг халқ оммаси билан чамбарчас боғланган Л. И. Брежнев ҳамиша унинг асл орзу-тилакларини ифодалаб келмоқда. Унинг Совет Иттифоқида социалистик ва коммунистик қурилишнинг кенг кўламли проблемаларини ҳал этишга қўшаётган ҳиссаси жуда каттадир.

Ўртоқ Л. И. Брежнев партия ва давлат раҳбари бўлиб, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ва халқлари орасида ҳақли равишда буюк обрў-эътиборга сазовор бўлди. У марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализм принциплари асосида социалистик ҳамдўстлик давлатларининг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлашга доим эътибор бермоқда, тинчлик ва социализм ишининг мустаҳкам таянчи бўлган Варшава Шартномаси давлатларининг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқда.

Турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшашидан иборат ленинча сиёсатнинг қарор топганлиги халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби Л. И. Брежневнинг номи билан чамбарчас боғланган.

КПСС Тинчлик программасининг илҳомчиси, ташаббускори ва муаллифи ўртоқ Л. И. Брежнев бутун инсониятнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлди. Бу программа кенг ва конструктив платформа бўлиб, ҳозирги кунда планетадаги барча тинчликсевар кишиларнинг куч-ғайратларини бирлаштирмоқда.

Т. Живков яна қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: Биз ўртоқ Л. И. Брежневни болгар коммунистларининг, бутун халқимизнинг оташи, самимий ва меҳрибон дўсти сифатида қадрлаймиз ва ҳурмат қиламиз. Биз унинг Совет Иттифоқи ва социалистик Болгария халқари, КПСС ва БКП ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва уларни бир-бирига тобора кўпроқ яқинлаштириш борасидаги хизматларини, бу ишга шахсан кўшган ҳиссасини қадрлаймиз ва ҳурмат қиламиз. Халқларимизнинг ўтмиши, ҳозирги ҳолати ва келажаги, муштарак туйғулари, муштарак манфаат ва интилишлари Болгария — Совет дўстлигида ўзининг тўлиқ ифодасини топмоқда. Ленин партияси ва Ленин ватани билан ана шу қардошларча дўстлик, бузилмас иттифоқ ривожланган социалистик жамият қурилишида болгар халқини илҳомлантириб келди ва бундан буён ҳам унга илҳом бахш этаверади.

Ўртоқ Т. Живков нутқининг охирида Болгария коммунистлари, барча меҳнаткашлари номидан Л. И. Брежневга унинг самарали фаолиятида янгидан янги муваффақиятлар тилади.

Митингда ўртоқ М. В. Зимянин нутқ сўзлади.

Ўртоқ М. В. Зимянин Софияда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси, Болгария Халқ Республикасининг Қаҳрамони деган олий унвонга уч марта сазовор бўлган ўртоқ Л. И. Брежневнинг бронзабюсти ўрнатилганлиги учун КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, Совет ҳукумати номидан Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетига, Болгария Халқ Республикасининг Давлат Кенгашига, ҳукуматига, барча меҳнаткашларига самимий миннатдорчилик изҳор қилди.

Бизнинг Ватанимиз, Болгария Халқ Республикаси, бошқа қардош социалистик давлатлар, бутун тараққийпарвар инсоният ўртоқ Л. И. Брежнев туғилган кунининг 75 йиллигини нишонлайдиган кунларда сизнинг пойтахтингизда ўртоқ Л. И. Брежнев бюстининг очилиши, деди ўртоқ М. В. Зимянин, қувончли воқеадир.

Улуғ Ленин ишларининг содиқ давомчиси ўртоқ Л. И. Брежнев ўн етти йилдан буён КПСС Марказий Комитетига бошчилик қилиб келмоқда. Совет халқининг коммунизм қурилишидаги буюк зафарлари унинг номи ва фаолияти билан боғланган. Жонажон Ленин партияси, ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети, Марказий Комитет теварагига маҳкам жипслашган совет халқи ҳозирги вақтда зўр ватанпарварлик ғайрат-шижоати билан КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларини амалга оширмоқда, коммунистик бунёдкорлик йўлидан комил ишонч билан олға бормоқда.

(Давоми тўртинчи бетда).

Л. И. БРЕЖНЕВ ПАПА ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ОЛИМЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 15 декабрь куни Кремлда Католик черкови ва Ватикан давлатининг бошлиғи Папа Иоанн Павел II нинг илтимосига биноан Папа фанлар академияси олимларидан бир группасини қабул қилди. Шу группанинг аъзолари фундаментал генетика профессори Ж. Ложен билан химия профессори Ж. Б. Марини-Бettоло ядро уруши инсоният учун қандай ёмон оқибатларга эга бўлиши тўғрисидаги масала юзасидан академия ўтказган тадқиқотларнинг натижалари ҳақида сўзлаб бердилар ва ана шу тадқиқотларнинг якунларини ўз ичига олган «Ядро куролини қўлланиш оқибатлари тўғрисида декларация»ни Л. И. Брежневга топширдилар.

Суҳбат чоғида Л. И. Брежнев таъкидладики, тинчликни сақлаб қолиш, ядро уруши хавфини бартараф этиш, халқларнинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш Совет Иттифоқи ташқи сиёсатида устун омил бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Л. И. Брежнев ядро уруши қандай сон-саноқсиз қулфатлар келтиришини кишилар яхшироқ билиб олиши муҳимлигини қайд этди. Худди шу боисдан дунёдаги турли мамлакатларнинг сиёсат арбоблари ва олимларининг огоҳлантиришлари ғоят жиддий эътиборга сазовордир. КПСС XXVI съезди ядро фалокатининг олдини олиш ҳаётий зарурат эканлигини кўрсатадиган халқаро комитет тузиш тўғрисида олға сурган таклифига ҳам ана шу ғоя асос қилиб олинган. Олимларнинг обрў-эътиборли, ишнинг кўзини биладиган овози нақадар баралла янграса, миллионлаб кишиларнинг шу мақсадга эришиш йўлидаги фаолияти шу қадар онгли бўлади.

Даврга хос хусусият шундан иборатки, деди Л. И. Брежнев, идеологияларнинг, фалсафий қарашлар ва эътиқодларнинг бир биридан фарқ қилишидан қатъи назар, давлатлар, сиёсий партиялар ва оқимлар, жамоат доиралари ва бошқа доиралар ўзларининг ҳаётий манфаатлари муштараклигини англаб, инсониятга таҳдид солаётган хавф-хатардан уни ҳалос қилиш муддаоси билан жипслашмоқдалар.

Бугунги кунда давлатлар раҳбарларининг ўз халқлари олдидаги, инсоният олдидаги, авлодлар олдидаги олий масъулияти ядро урушига йўл қўймасликдан иборатдир. Совет раҳбарлари бу масъулиятни ғоят тўла англайдилар. Совет Иттифоқи ўз ташқи сиёсатини шу вазифага бўйсундиради.

Л. И. Брежнев суҳбатдошларига шуни эслатиб ўтдики, кўпни коча БМТ Бош Ассамблеяси ҳар қандай давлат ядро куролини биринчи бўлиб қўлланишни инсониятга қарши ғоят оғир жиноят деб эълон қилди, бу ишда Совет Иттифоқи ташаббус кўрсатди. Л. И. Брежнев СССРнинг Европада кескинликни юмшатишга, ҳар иккала томоннинг шу қитъада тўпланган ядро куроли запасларини тубдан қисқартиришга, энг яхшиси эса Европадаги объектларга мўлжал олдирилган ўртача олисликка учириладиган барча турдаги ядро куроллардан умуман воз кечишга эришишга қаратилган конкрет қадамлари ва таклифларига алоҳида тўхталиб ўтди. СССР Женевада АҚШ билан ўтказилаётган музокараларда ҳам ана шу мақсадларга эришиш учун ҳаракат қиледи.

Жаҳон сиёсий иқлимини соғломлаштириш ва тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган халқаро алоқалар ва мулоқотда катта, ўртача ва кичик давлатларнинг ҳаммаси учун, тинчликсевар мақсадларни кўзловчи барча сиёсий, жамоат, илмий, диний ва бошқа кучлар учун жой бор, деб таъкидлади Л. И. Брежнев.

Папа фанлар академиясининг намояндалари ҳозирги вазиятда халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш борасидаги ғайрат-ҳаракатларда тинчликсевар кучларнинг кенг иштирок этиши айниқса зарур деган фикрга қўшилажакларини билдирдилар.

Суҳбат ўзаро ҳурмат ва холис ният руҳида ўтди. Суҳбатда «Врачлар ядро урушининг олдини олиш учун курашда» совет комитетининг раиси, СССР Фанлар академиясининг академиги Е. И. Чазов, мазкур комитет раисининг ўринбосари, СССР Медицина фанлари академиясининг академиги Н. П. Бочков ва КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров иштирок этдилар.

(ТАСС).

Л. И. БРЕЖНЕВ А. ХАММЕРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 16 декабрь куни Кремлда Америка савдо-саноат доираларининг таниқли намояндаси, «Оксидентал петролиум» фирмаси директорлари кенгаши правлениесининг раиси Армонд Хаммерни унинг илтимосига биноан қабул қилди.

Суҳбат давомида Л. И. Брежнев шуни қайд этдики, Совет Иттифоқи билан АҚШ каби давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар учун тўла тенглик ва баб-баравар хавфсизлик принципига қатъий риоя этиш, бир-бирларининг ҳаққоний манфаатларини ҳисобга олиш ва ўзаро манфаатдорликдан бошқача асос бўлиши мумкин эмас. Уларнинг муносабатлари Совет ва Америка халқларининг манфаатларигагина дахлдор бўлиб қолмай, шу билан бирга Ер юзида тинчлик сақлаб қолинадими, йўқми эканлигини кўп даражада белгилаб ҳам беради. Бунда ядро куроллари билан қуролланиш пойгаси ниҳоятда авж олиб кетишига йўл қўймаслик асосий вазифадир. Баъзан Вашингтондагилар ҳам шу ҳақда гапираётганликларини табриклаш мумкин, аммо, афсуски, у ердаги ишлар ҳозирча бошқа йўналишда олиб борилмоқда.

Л. И. Брежнев Европада ядро куролларини чеклаш тўғрисида Совет — Америка музокаралари бошланганлигига ижобий баҳо берди ва ҳар иккала томон музокараларни тенг ҳуқуқлилик ва баб-баравар хавфсизлик принципига амал қилиб, конструктив руҳда олиб борган тақдирда Европада тинчликни мустаҳкамлашдан иборат ғоят муҳим проблема ҳал этилиши мумкин, деб ишонч билдирди.

Л. И. Брежнев тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат ва ўзаро манфаатдорлик асосида турли соҳаларда икки томонлама Совет — Америка муносабатларини ривожлантириш кераклигини ҳам таъкидлаб гапирди. А. Хаммер бунга батамом қўшилганлигини билдирди ва ҳар иккала мамлакат халқлари учун муҳим бўлган шу ишга бундан буён ҳам амалий ҳисса қўшиш ниятида эканлигини таъкидлади.

А. Хаммер Л. И. Брежневни туғилган кунининг бўлажак 75 йиллиги билан самимий қутлади ва унга Ер юзида мустаҳкам тинчлик йўлидаги тинимсиз курашида янги-янги муваффақиятлар тилади.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров қатнашди.

(ТАСС).

Суҳбат пайти.

В. Мусаэльян ва Э. Песов (ТАСС) фотоси.

СССР 60

СУРХОНДАРЁНИНГ УЛКАН МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Область 230 минг тонна ингичка толали пахта топшириб, бу борадаги мажбуриятини бажарди. Жами тайёрланган пахта эса 500 минг тоннага етди

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини изчиллик билан ҳаётга татбиқ этаётган, СССР ташкил этилган кунининг 60 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб юборган Сурхон воҳасининг лафзи ҳалол деҳқонлари табиат қийинчиликларини мардонавор енгиб, мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар. Она-Ватанга пахта етказиб бериш юзасидан белгиланган халқ хўжалик плани ортиғи билан адо этилди. Давлат омборларига 500 минг тоннага яқин «оқ олтин» тўкилди. Шу нарса қувончлики, тайёрланган ҳосилнинг 230 минг тоннаси тўқимачилик саноати учун энг қимматбаҳо хом ашё — ингичка толали пахтадир.

Қўлга киритилган бу ютуққа партия ва ҳукуматимизнинг, шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг оталарча ғамхўрлиги, халқимизнинг қаҳрамонона меҳнати, партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг ташкилотчилик ва снёсий ишлардаги маҳорати, актив фаолияти ва социалистик мусобақанинг қудратли кучи туфайли эришилди.

Сурхондарё область партия ташкилотлари диққат-эътиборни деҳқончилик маданиятини ошириш, ирригация ва мелиорация ишларини тубдан яхшилаш, комплекс механизация ва химизацияни кенг жорий этишга қаратдилар. Сўнгги йилларда партия ва совет ташкилотларининг ташаббуси билан Сурхон воҳасида асрлар бўйи давом этиб келган сув танқислигини тубдан бартараф этишга қаратилган катта, умумхалқ ҳураши бошланди ва қисқа вақт ичида бир неча йирик сув омборлари, Шеробод машина канали, Ғалаба, Аму-занг, Боботог, Оққапчағай каналлари умумхалқ ҳашари йўли билан қурилиб ишга туширилди. Занг канали кенгайтирилиб, қайта реконструкция қилинди. Оқтепа, Тўпаланг сув омборлари ва Искра машина каналларини қуриш ишлари қизғин бошлаб юборилди. Мана шу сув иншоотлари қурилиши туфайли ўн минглаб гектар майдондаги экинлар обиҳаёт билан муттасил таъминланадиган бўлди. Областимизнинг истиқболини белгиловчи ирригация-инженерлик иншоотлари қуриш ва ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам сув танқислигини бутунлай бартараф этиш учун кураш келгуси йилларда ҳам изчиллик билан давом эттирилади.

Бу йил пахтакорларимиз асосий майдонларга чигитни пуштага экиш тажрибасини кенг қўлладилар. Айни вақтда дастлабки озиқлантириш ҳам чигит экиш билан қўшиб ўтказилди. Бу тадбир чигитнинг қийғос униб чиқишини, кўчатларнинг бақувват, серавж ва бўлиқ бўлишини таъминлади.

Ғўза парваришини намунали ташкил этиш, ер, сув, минерал ва органик ўғитлардан самарали фойдаланиш юзасидан илғор хўжаликларда кўргазмали семинар-кенгашлар ўтказилди. Ғўза вегетацияси даврида область партия комитетининг оператив группаси барча хўжаликларни кўздан кечириб, аниқланган нуқсонларни зудлик билан тугатишга амалий ёрдам берди. Бундай оператив группалар барча районларда, колхоз ва совхозларда ҳам тузилиб, мўл ҳосил етиштириш учун кураш қандай борааётганлигини муттасил текшириб турдилар.

Ҳосил тақдирини ҳал қилишда районлар ва хўжаликлараро ўтказилган ўзаро текширишлар катта аҳамият касб этди. Аниқланган камчилик ва нуқсонлар маҳаллий матбуотда ёритиб борилди. Мусобақадош қўшни қашқадарёлик ва қардош тожикистонлик пахтакорлар ўзаро текшириш бригадалари вакилларининг областимиз хўжаликларида социалистик мусобақа шартларининг қандай бажарилаётганлигини кўриқдан ўтказиб берган қимматли маслаҳатлари, фойдали таклиф ва мулоҳазалари мўл ҳосил етиштиришимизда катта мадад бўлди.

Баҳор ва ёзда ҳарорат-нинг паст бўлиши ҳосилнинг барвақт пишиб етилишига анча салбий таъсир кўрсатди. Шу боисдан пахта йиғим-терими ўтган йилдагидан бироз кеч бошланди. Лекин уюшқоқлик ва активлик билан олиб борилди.

Терим мавсуми «пахтазор жасорат майдони» шиори остида ўтди. Барча звенолардаги кадрларимиз ўз постларида жонбозлик кўрсатиб, фидокорона меҳнат қилдилар. Ёшу қари, катта-ю кичик — барчанинг ўрни пахтазорда бўлди. Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаати ҳаммаларнинг қалбини тўлқинлантириб юборди. Мурожаатдаги: «Пахта совет халқининг шонушҳрати ва ифтихори, мамлакат экономикасини ривожлантиришга қўшадиган бизнинг салмоқли ҳиссамиздир. Давлат экономикасида пахта галлага, металлга, нефтга тенглаштирилаётгани тасодифий эмас...» деган сатрларни ўқиган ҳар бир киши пахтазорга отланди. Халқ бойлиги пахтани йиғиб-териб олиш умумхалқ ишига айланди.

Терим мавсумининг дастлабки куниданоқ 180—200 минг киши дала ишларида қатнашиб, зўр жасорат намуналарини кўрсатди. Колхозчи ва совхоз ишчилари билан бир сафда туриб шаҳарлик ҳашарчилар, студент ва ўқувчилар, ишчи ва хизматчилар умумхалқ ишига ўз муносиб улушларини қўшдилар. Сурхондарёнинг катта хирмонини бунёд этишда берган бебаҳо ёрдамлари учун қишлоқ меҳнаткашлари уларни беҳад миннатдордирлар.

Машина теримига катта эътибор берилди. Иш ипатоволиклар методи асосида ташкил этилди. Етиштирилган ҳосилни уюшқоқлик билан йиғиштириб олишда дала гвардиячилари ҳақиқий жонбозлик намуналарини кўрсатдилар. Далаларимизда ўнлаб оилавий экипажлар аъзолари машиналар қудратини намойиш этдилар. Механик-ҳайдовчилар мусобақасида «Пограничник» совхозидан Эшмамат Бўриев ва Панжи Шукуров, «Навбаҳор» совхозидан Абдумўмин Сафаров, Абдулла Набиев номли совхоздан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Ғиллой Жўраева, Будённий номли совхоздан СССР Олий Совети депутати Холмўмин Сафаров ва Хўжамқул Рустамов, Охунбоев номли совхоздан Парда Абдумўминов, Шайдулла Ҳазратқулов, Қосим Раҳимов номли совхоздан Ҳурсанд Қаюмов, Оллоберди Хўжаёров, «Сурхон» совхозидан Хайрулла Шаропов, «Октябрь 40 йиллиги» совхозидан Норгул Музаффарова, «Партия XXV съезди» совхозидан Олия Толиева, «Янгиобод» совхозидан Равшан Абдураҳимов, Жалил Жўрақулов, «ВЛКСМ 30 йиллиги» совхозидан Жаббор Яллаев ва бошқа ўнлаб илғор механик-ҳайдовчилар пешқадамлик қилиб, ҳар бири улкан пахта хирмонимизга 400—650 тоннадан пахта билан муносиб ҳисса қўшдилар.

Область пахтакорларининг юксак «оқ олтин» хирмонида барча райсипларнинг катта ҳиссаси бор. Бойсун, Шеробод, Сариосиё районлари халқ хўжалик планларини биринчилар қаторида бажарди. Қумқўрғон, Ленин йўли, Жарқўрғон, Термиз, Гагарин районларининг пахтакорлари бу йилги қийин шароитда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилдилар. Деновлик ва шўрчилик пахтакорлар ҳам катта муваффақиятга эришдилар.

Термиз районидаги «Гулбаҳор», Шеробод районидаги «Октябрь 60 йиллиги», «Партия XXV съезди», Сариосиё районидаги «Коммунизм», Қумқўрғон районидаги «ВЛКСМ 30 йиллиги», Гагарин районидаги «Пограничник», «Навбаҳор», «Янгиобод», Ангор районидаги «Толлимаржон» совхозлари, Сариосиё районидаги «Ленинград» Охунбобоев номли, Жума Пирназаров номли, Қумқўрғон районидаги «Қизил октябрь», «Москва», Жарқўрғон районидаги «Социализм» колхозлари ва бошқа ўнлаб хўжаликлар пахтакорлари ғоятда мураккаб шароитда мўл ҳосил етиштирдилар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Бобомурод Омонов директорлик қилаётган Сариосиё районидаги «Коммунизм» совхози пахтакорлари она-Ватанга 13 минг тоннадан зиёд пахта топшириб, ҳосилдорликни 40 центнерга етказдилар. «ВЛКСМ 30 йиллиги» совхозида ва бошқа ўнлаб машъал хўжаликларимизда ҳосилдорлик 40—45 центнерни ташкил этди.

Область партия комитети, район партия комитетлари бу йил ҳам 40—50—60 центнерчилик ҳаракатининг кенг қулоч ёйиши учун етарли шароит яратиб бериш чораларини кўрдилар. Юқори ҳосилли бригадалар бошлиқларининг кенгаши ўтказилди. Ташаббускор бригадаларнинг юксак мажбуриятларини район партия комитетлари маъқуллаб, қарорлар қабул қилди. Бу, сўзсиз, областда юқори ҳосил учун курашувчи бригадалар сафини кенгайтирди. Ташаббускор, ташаббусга қўшилган бригадаларда эса қўлга киритилган ютуқлар қувончли бўлди.

Ҳанифа Орзиқулова, Ҳасан Мухторов, Абдуғаффор Хўжаназаров, Ўскин Аҳмедов КПСС XXVI съезди делегати Ҳавохон Абдуллаева ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 55—60—70 центнерни ташкил этди.

Область пахтакорлари республика партия ва ҳукуматининг ингичка толали пахта етиштиришни кўпайтириш тадбирлари тўғрисидаги қарорини изчиллик билан амалга оширмоқдалар.

Бу йил область пахтачилиги тарихида биринчи марта она-Ватанга 230 минг тонна ипак пахта етказиб берилди. Бу улкан хирмонга Гагарин райони меҳнат аҳли 45 минг тоннадан ортиқ ипак пахта топшириш билан катта ҳисса қўшди. Шунингдек, Жарқўрғон райони деҳқонлари ҳам бу йил ҳар қачонгидан кўп ипак пахта топширишга эришдилар. Шу нарса қувончлики, область пахтакорлари ипак пахта етиштиришни йил сайин кўпайтириш билан бир қаторда, бу қимматли хом ашёни машиналарда териб олишда ҳам яхши натижаларга эришаётирлар. «Пограничник» совхози деҳқонлари етиштирилган ялпи ипак пахта ҳосилининг 90 процентдан кўпроғини терим машиналари ёрдамида йиғиштириб олдилар.

Ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам яхши натижаларга эришилди. Давлатга пилла, дон, сабзавот, тухум сотиш йиллик планлари муддатидан олдин адо этилди. Гўшт ва сут сотиш йиллик планлари ҳам муваффақиятли бажарилади.

Эндиги вазифа келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин яратиш, кузги шудгорни тез ва юқори сифатли тугаллаш, чорва қишловини аъло даражада ўтказишни ташкил этишдан иборатдир.

А. КАРИМОВ,
Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари.

Ленин йўли районидаги Беруний номли совхозининг донгдор механизатори Хўжамқул Рустамовнинг номи областда эмас, республикада ҳам яхши таниш. Зарбдор меҳнат билан эл-юртга тўлган меҳри дала гвардиячиси йил сайин юксак марраларни эгаллаяпти. Бу йил ҳам у эммасига олган мажбуриятини ошириб бажарди. Унинг мавсум давомида терган пахтаси 630 тоннадан ошиб кетди. Суратда: Х. Рустамов.

«Оқ олтин» терими мавсумининг энг долзарб даврида пахтакорларга шаҳарлик ишчи-хизматчилар, студент ва ўқувчилар яқиндан ёрдам бериб, область улкан хирмонининг қад кўтаришида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишди. Гагарин районидаги «Советобод» совхози далаларида фидокорона меҳнат қилган медицина ходимларининг беминнат ёрдамлари айниқса таҳсинга лойиқ. Ҳиммати баланд бу ҳашарчиларнинг ҳар бири мавсумда 3,5—4 тоннадан дурдона териб беришди. Суратда: (чапдан) 1-дорихона ходими Ойжамол Эшқувватова, дорихоналар бошқармаси ходими Санобар Раҳмонова, медицина ҳамширалари Каромат Жалилова ва Замира Бобохоновалар.

Мавсумда терим суръати кўпинча пахта пунктларининг бир маромда узлуксиз ишлашига боғлиқ. Агар пунктларда хўжаликлардан келтирилган тележкалар ўз вақтида бўшатиб турилса, терим жадаллашиб хирмонга барака кираверади. Буни яхши тушунган Ленин йўли районидаги Ленин номли пахта пункти коллективи ишни аниқ график асосида пухта ташкил этди. Район хўжаликларидан териб олинган «оқ олтин» пешма-пеш бункерларга жамланди. Суратда: қабул пунктида иш вақти.

В. Ем ва М. Мерганов фотолари.

ФАКТЛАР... РАҚАМЛАР...

✦ Сурхон воҳасининг заршунослари она-Ватан хирмонига 500 минг тоннага яқин «оқ олтин» армуғон этиб, халқ хўжалик планини шараф билан адо этдилар.

✦ Бу йил областда тўқимачилик саноати учун энг қимматбаҳо хом ашё — ингичка толали пахтадан 230 минг тоннаник хирмон уйишди.

✦ Гагарин райони пахтакорлари 45 минг тонна ипак пахта тайёрлаб, ингичка толали пахта етиштирувчи районлар ўртасидаги ўзаро мусобақада ғолибликни эгалладилар.

✦ Областда «оқ олтин»дан барқарор ҳосил олишда катта тажриба тўпланган, ҳосилдорликни йил сайин ошираётган хўжаликлар тобора ортиб бормоқда. Сариосиё районидаги «Коммунизм», «ВЛКСМ 30 йиллиги» совхозлари ва бошқа ўнлаб хўжаликларда ҳосилдорлик гектаридан 40—45 центнерни ташкил этди.

✦ Область пахтакорлари ипак пахта етиштиришни йил сайин кўпайтириш билан бу қимматли хом ашёни машинада теришда ҳам қузончли натижаларга эришишаётир. «Пограничник» совхози деҳқонлари ипак пахта ҳосилининг 90 процентдан кўпроғини агрегатлар ёрдамида териб олдилар.

САХОВАТЛИ ХИРМОН

ПАХТАКОР ҚАНОТИ

Қуш қанотсиз уғолмас дегандайдек, ҳозир пахтакорлар ҳам терим машиналарисиз парвоз қилолмайди. «Зангори кема»лар деҳқоннинг қаноти, мададкори ва нажоткори бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам колхозимиз меҳнат аҳли сўнгги йилларда терим агрегатларига чинакам ихлос қўйишди.

Колхоз правлениеси шу йил бошида 14 «зангори кема» сотиб олди. Бу янги машиналар илгари хўжалигимиз ихтиёрида бўлган агрегатлар билан бирга теримни асосан механизмлар ёрдамида ўтказишга етарли деб топилди. Коммунистлар 85 процент ҳосилни машинада териш ташаббуси билан майдонга чиқдилар. Бу ҳар бир машина билан ўрта ҳисобда 175 тонна пахта териш деган сўз.

Теримга тушишдан бир неча кун олдин шпинделларни фақат пишиб очилган пахтани теришга мослаб созладик. Ҳали очилмаган кўсакларни ғажиб кетмаслик учун шпиндел барабанларининг оралиқ масофаси яхшилаб созланди. Катта карталарда тўрттадан, кичикроқ пайкалларда учтадан машина группа усулида, икки сменада пахта териши таъминланди.

Машина терими кун сайин қизғин тус олди. Мусобақа натижалари ҳар беш кунда якунланиб, илғорлар моддий жиҳатдан рағбатлантириб борилди. Механизаторларнинг уч ҳафталик жасоратли меҳнати натижасида хўжалигимиз машина терими планини районда биринчи бўлиб бажарди. Яна 10 кундан кейин эса эммаларига олган социалистик мажбуриятларини ҳам ошириб адо этдилар. Механик-ҳайдовчилардан Қурбон Муҳаммадиев, Ҳуррам Мақсудов, Восл Рашидов, Холмат Маҳмудовлар бир ой давомида ўзларининг «зангори кема»лари бункерларидан 250 — 300 тоннадан пахта тўқдилар. Етиштирилган ҳосилнинг 85 проценти машиналар билан териб олиниб, юксак мажбурият шараф билан бажарилди.

Худойназар Қурбонов бошлиқ комплекс механизациялашган бригада аъзолари машиналар шарофати туфайли пахта тайёрлаш йиллик планини ҳаммадан олдин бажардилар. 62 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 60 центнердан хирмон кўтардилар. Ҳасан Саидов бошлиқ бригада коллективи ҳам 125 гектар ердан 55 центнердан пахта териб топширди. Ражабали Жумаев, Абдуғаффор Сайриддинов, Иззатилло Маткаримовлар бошлиқ бригадалар 48—50 центнердан хирмон уйидилар. Колхозимиз бўйича ҳосилдорлик гектар бошига 40 центнердан ошиб кетди. Бу муваффақиятларнинг ҳаммаси машиналар шарофати туфайли қўлга киритилди. Айни кунларда келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин яратиш мақсадида кузги дала ишларини қизғин юбордик.

Далага маҳаллий ўғит ташиб чиқариш, ҳосилдан бўшаган майдонларни шудгорлаш, ерларга яхоб бериш ишлари қизғин тус олмоқда. Бу муҳим ишларни бажаришда ҳам машиналар бизга мададкор бўлмоқда.

М. МИРЗАЕВ,
Сариосиё районидаги Жума Пирназаров номли колхоз бош агрономи.

Х. РЎЗИЕВ,
бош инженер.

ШЕРОБОДНИНГ ШЕР ҚИЗЛАРИ

1. Чўлга лавҳалар

пайваста юрак

— Мен чўлқувар бўлмоқчиман! — деди Мамлакат ўнинчи синфни битирувчиларнинг «Ким бўлмоқчисиз?» деган кечасида.

Синфдошлари унга ҳайратланиб қарашди. Ҳатто ўқитувчилари ҳам бир зум жимиб қолишди. Синфда энг юввош ва ноик қиздан бундай фикр чиқишини ҳеч ким кутмаганди.

— Улуғ ишларда иштирок этиш, ёшлик куч-ғайратларини кўпчилик манфаатига хизмат қилдириш жуда яхши хислат, — деди табиат ўқитувчиси. Биз Мамлакатга ишонамиз, у шундай ишларга қодир!

— Сен билан олий ўқув юртида бирга ўқишни орзу қилардим, — деди синфдоши Норбой уни уйига кузатаётганида.

— Тушунаман..., — деди Мамлакат,—чўлда ишлаб, сиртдан ўқиймиз, момоларнинг хоҳишлари ҳам шу.

— Бўлмаса, мен ҳам бирга бораман чўлга, — деди Норбой.

— Ростданми? — Мамлакат меҳр тўла кўзларини унга қадади.

Бу воқеа 1969 йили бўлганди. Денов шаҳрида ҳамширалик қилиб пенсияга чиққан Ҳадича ая икки неварасини ёнига олиб Шеробод — Сурхон чўлида ташкил топган Будённий номли совхозга кўчиб келди. Дастлаб чайлада, кейинчалик эса пахса деворли уйда яшади. Орадан бир йил ўтгач типовой уй беришди. Ҳадича аянинг қувончи чексиз. Мамлакат ҳам, Марзия ҳам чўлқуварлар сафида туриб меҳнат қилишарди. Қўёш Норбойни айтмайсизми. Худди ўз ўғлидек қобил ва меҳрибон.

Орадан икки йил ўтгач совхоз раҳбарлари Мамлакатга катта ишонч билдириб, бригадани топширишди. Норбой тракторчилик, қайноғаси ва қайниси сувчилик қилди. Бўлим бошқарувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдусаттор Қурбонов уларга мураббийлик қилди. Ўша йили 54 гектар бўз ернинг ҳар гектаридан 39 центнердан қимматбаҳо ипак пахта ҳосили кўтарилди.

Ўшандан буён орадан ўн икки йил ўтди. Бу йиллар Мамлакатнинг ҳаёт китобига зарварақ бўлиб кирди. Мамлакат ҳам ўсди, чиниқди, коммунистлар сафида туриб ҳосилдорликни гектар бошига 45 центнерга етказди. Самарали меҳнатлари эвазига кўксини Ленин ордени, «Ҳурмат Белгиси», Меҳнат Қизил Байроқ орденлари, медаллар безади. Қишлоқ, район ва область Совети депутатлигига сайланди. Буларнинг ҳаммасига қалби чўлга пайваста бўлиб, уни ўзлаштириш, мўл-кўл пахта ҳосили етиштириб, ўз инсоний бурчини меҳнатда оқлаш ҳиссиётлари билан тўлиб-тошганлиги эвазига эришди.

Мамлакат Бегимқулова чинакам пахтакор бўлиш учун фақат унинг сирларини билиш билан кифояланмаслик кераклигини тушунди. Шунинг учун механизаторлик касбини эгаллади. Бу йил икки қаторли «зангори кема»да 200 тоннадан ошириб пахта терди.

2. Турсунойчи Турсуной

Турсуной бошлигиданоқ пахтага меҳр қўйди. Тонг саҳардан далага йўл олар, дугоналари билан бемалол ишлаб, кўпинча ғолиб чиқарди. Ана шундай пайтларда дугоналари «Турсуной бўлиб кетсаг» деб ҳазиллашардилар.

Ҳа, Турсуной чиндаанам Турсуной Охуновага ўхшашни, шунингдек пахтакор бўлиб, эл-юрт назарига тушишни орзу қиларди. Унинг мурғак қалбидаги орзу-умидларини пайқаб юргандек, ота-онаси Денов районидаги Собир Раҳимов номли колхозда обод ва кўркам уй-жойини қолдириб, чўлга кўчиб келишса бўладими. Бу Турсуной учун айни муддао бўлди. Улар Ленин номли совхознинг биринчи бўлимида жойлашишди.

1971 йили Турсуной чўл ўзлаштириб, пахта етиштириш ташаббуси билан чиқди. Унинг ташаббуси кўпчилик томонидан зўр қувонч билан қутиб олинди. Унга 74 гектар янги ер ажратиб берилди. Тожи Алиқулов, Абсалом Қурбонов, Чори Бобоев, Баргихол Жовлиева, Обод Бўриева, Ўроэхол Холбоева каби ўнлаб ёшлар унга кўмакдош бўлишди.

Чигит қийғос кўкартириб олинди. Биринчи ғўза, биринчи чаноқ... Турсуноийнинг қалбидаги не-не орзуларига қанот боғлаб юбормади дейсиз? Ана шу туйғу, ана шу орзу бригада аъзолари билан баравар, ҳатто кўпроқ меҳнат қилишга ундади уни.

Ўша йили 74 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 11 ўрнига 16 центнердан қимматбаҳо ипак пахта ҳосили йиғиштириб олинди.

Турсуной чўлни ўзлаштириб пахта экканидан буён гектаридан 48 центнергача қимматбаҳо ипак пахта олишга муваффақ бўлди. Бу йилги нияти эса 50 центнерлик марра эди, бунинг ҳам уддасидан чиқди. Мавжуд 54 гектар майдондан 270 тоннадан зиёд хом ашё йиғиштириб олинди. Ҳосилнинг 95 проценти «пўлат этаклардан тўкилди. Турсуноийнинг ўзи икки қаторли агрегати билан 260 тонна пахта терди.

Х. ХУДОЙҚУЛОВ,
А. ХАЛИЛОВ.

РЕКОРД ҲОСИЛ

Ўтган йили бригадамиз коллективи гектаридан 65 центнердан ингичка толали пахта хирмони кўтариб, областда олдинги маррага чиқиб олган эди. Пахтакорлар учун энг оғир келган бу йилги курашда ҳам коллективимиз аъзолари мардонаворлик намуналарини кўрсатдилар.

Ғўза парвариши юксак агротехника талаблари асосида ўз вақтида олиб борилганлиги туфайли далаларда мисли кўрилмаган даражада мўл ҳосил тўпладик.

Бригадамиз таркибида учта звено бўлиб, уларга Тоштемир Шарипов, Барот Худойбердиев ва Очилди Хўшшиевлар раҳбарлик қилишади. Звенолар ўртасидаги мусобақада Т. Шарипов бошлиқ звено аъзолари ғолиб чиқдилар. Улар 62 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 71 центнердан аъло сифатли ипак пахта сотдилар. Б. Худойбердиев ва О. Хўшшиевлар бошлиқ звенолар эса гектаридан 68—70 центнердан хирмон кўтардилар.

Шундай қилиб, бригадамиз аъзолари бу йилги қийин шароитда ҳам ипак пахтадан рекорд ҳосил етиштирдилар. 160 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 70 центнердан ингичка толали пахта териб топширдик. Давлатга 1100 тонна қимматбаҳо хом ашё етказиб бердик. Меҳнат қилган дорда қолмайди деб шуни айтадилар-да. Ҳар қандай шароитда ҳам астойдил меҳнат қилган кишилар албатта ўз мақсадига етади.

Ўскин АҲМЕДОВ,
Шеробод районидаги «Шеробод» совхозининг бригада бошлиғи.

ТОШКЕНТ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА

Бизнинг қўриқ совхозимиз ингичка толали пахта етиштиришга ихтисослашган. Заршуносларимиз ипак пахта етиштириш ва ундан барқарор мўл ҳосил олишда бой тажрибага эга. Бундан ташқари пахтачиликка комплекс механизацияни жорий этиш, энг муҳими, ғўза парваришини Тошкент технологиясига асосида ташкил этаётганлигимиз ютуқларимизнинг муҳим омили бўлаётир.

Бу йил барча майдонлардаги ғўзаларни машинабоп қилиб ўстирдик. Усимликлар бўлиқ, калта бўғин ва серҳосил бўлиб етилди. Механизаторларимиз ипак пахтанинг 95 процентини бункерлардан тўкишга сўз бериб, йиғим-теримни ипатоволиклар методи асосида пухта ташкил этдилар. Қаҳрамонона қилинган меҳнат ўз самарасини кўрсатди. Сурхондарёнинг катта хирмонига 8000 тоннага яқин юқори сифатли пахта етказиб бердик. Давлат плани 115 процент бажарилди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил 30 центнердан ошиб кетди. Машина терими плани 140 процент ўрияладилди.

Шуни таъкидлаш керакки, бу йилги оғир табиий шароитларда қўлга киритилган бу ютуқларда пахтакорларимизнинг сабот-матонати, мардонавор меҳнати ўз ифодасини топди. Биз ўсимликларнинг ривожига қараб, табақалаштирилган асосда ғўза қатор ораларига 8—10 марта сифатли ишлов бердик, минерал ва маҳаллий ўғитлар аралашмаси билан уч марта озиқлантириб, 4 марта қондириб суғордик. Ҳарорат паст келиб, кун совуқ бўлган пайтларда ҳар гектар ерга солинган 10—12 тонна ғўнг ғўзаларнинг тез ривожланишини, ҳосилнинг барвақт етилишини тезлаштирди.

Тошкент технологиясига амал қилиб, дефолациянинг ҳам ҳаммадан олдин ва сифатли ўтказдик. Пахта йиғим-теримига 7 та терим-транспорт отряди ва 35 звенога уюшган 55 «зангори кема» сафарбар этилди. Машина-трактор парки-нга қўрсатилаётган яхши инженерлик хизмати, терим-транспорт отрядлари иши устидан ўрнатилган таъсиднан назорат, оммавий социалистик мусобақа, моддий ва маънавий рағбатлантириш, меҳнаткашларга кўрсатилган маданий-маиший, савдо-медицина хизматларининг намунали ташкил этилгани ўз натижасини берди. Дала гвардиячиларимиз давлатга етказиб берилган жами пахтанинг 90 процентдан кўпроғини бункердан тўкишга муваффақ бўлишди. Ўрта ҳисобда ҳар бир «зангори кема» билан териб олинган пахта 130 тоннадан ошиб кетди. Ўнлаб механик-ҳайдовчилар мавсумда 150 — 240—300 тонна ва ундан ҳам кўп «оқ олтин» тердилар. Х. Маҳманазаров, Х. Шотўраев, А. Эгамбердиев, Д. Чориев, Ч. Мамаражабов ўртоқлар бошлиқ бўлимлар мавжуд майдонларнинг ҳар гектаридан 35—40 центнердан хирмон кўтардилар.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXVI съезди делегати Эшмамат Бўриев, учинчи даражали Шуҳрат ордени кавалери, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Панжи Шукуров, шунингдек Носир Пўлатов, Тожи Хайруллаев, Сора Қурбонова, Парда Хўжамбердиев, Эшқувват Холмирзаевлар бошлиқ бригадалар 45—50—55 центнер ва ундан ҳам ошириб, ипак пахта хирмони кўтардилар.

Совхозимиз ташаббускор оилавий экипажларининг масканн ҳисобланади. Бу йил бизда Бўриеслар ва Шукуровлар оилавий экипажлари ўзаро мусобақалашиб, ажойиб натижаларни қўлга киритдилар. Жумладан, Эшмамат Бўриев бошлиқ 4 кишидан иборат оилавий экипаж мавсумда 1700 тонна, Панжи Шукуров бошлиқ оилавий экипаж эса 1160 тонна пахтани бункерлардан ағдардилар. Айни кунларда келгуси йил мўл ҳосилнинг муҳим шарти — шудгорлашки жадал давом эттирилмоқда. Мутахассисларимиз томонидан тузиб чиқилган тупроқ картограммасига мувофиқ шудгорлашдан олдин ерларга кераклигича маҳаллий ва минерал ўғит солялмиз.

Раим БЎРИЕВ,
Гагарин районидаги «Пограничник» совхозининг директори.

ДОИМО ПАРТИЯ БИЛАН, ДОИМО ХАЛҚ БИЛАН

19 декабрь — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, замонамизнинг атоқли партия ва давлат арбоби, тинчлик учун оташин курашчи Леонид Ильич Брежневнинг туғилган куни яқинлашмоқда. Ажойиб юбилей арафасида совет кишилари каби бутун жаҳон меҳнаткашларининг ҳам Леонид Ильич шахсига, халққа, партияга, улуғ Ленин васият қилган коммунизм қурилиши ишига, ўзининг қудратли социалистик Ватанига ўзини тўлалигича бағишлаётган инсон ҳаёти ва фаолиятига бўлган қизиқиши, айниқса юксак. Бу шундай Ватанки, унга Леонид Ильич ўзининг яқинда нашр қилинган «Эсдаликлар»ида ажойиб таъриф берганди.

«Ҳаммамизда ҳам Ватан туйғуси жуда кучли. Ажойиб туйғу! Бу туйғу заминимизнинг гўзаллигини ҳис этиш билангина тугилмайди, албатта. Донолар айтганидек, бу заминга вужуд-вужудинг билан сингиб кетишинг керак. Инсон заминда обдон тер тўкиб, меҳнат қилиб, галла ўстиради, шаҳар бино қилади, янги йўл қуради ёки шу заминни ҳимоя қила туриб, унда окоплар қазийди. Ана шундагина у Ватан нималигини магзи-магзигача тушуниб етади».

«Планета» нашриётида босмадан чиққан «Леонид Ильич Брежнев. Ҳаёти ва фаолияти саҳифалари» фотоҳужжатлар альбоми (В. Голиков умумий таҳрири остида. Тузувчилар: Г. Коваленко, И. Чхиквишвили ва А. Сахаров) Леонид Ильич Брежнев ҳаёти ва фаолиятининг кўпгина босқичлари ҳақида ҳикоя қилади. Альбом Биринчи Намунали босмахонада босилган.



● Совет Иттифоқи янги Конституциясини тасдиқлаган тўқизинчи чақириқ СССР Олий Совети навбатдан ташқари еттинчи сессиясининг мажлиси. Минбарда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, Конституция Комиссиясининг Раиси Л. И. Брежнев.

● Болалар ҳақида оталарча ғамхўрлик билан.

● Л. И. Брежнев И. А. Лихачев номидаги Москва автомобиль заводида. 1976 йил.

● КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев В. И. Ленин номига берилган 00000001 номерли янги нусхадаги партия билетига имзо чекмоқда.

● Л. И. Брежнев полкдошлари билан. 1943 йил.

● Ракета техникасини ривожлантиришдаги ва совет кишисининг космосга муваффақиятли парвозларини таъминлашдаги юксак хизматлари учун Л. И. Брежнев Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. 1961 йил.

● Л. И. Брежневнинг қўриқ меҳнаткашлари билан учрашуви.

● Л. И. Брежнев пахта майдонида. Ўзбекистон. 1970 йил.

● Леонид Ильич Брежнев рафиқаси — Виктория Петровна ва онаси — Наталия Денисовна билан. Москва, 1966 йил.

(«Известия» газетасидан олинди).

КОММУНИЗМНИНГ УЛУҒ ҒОЯЛАРИГА ХИЗМАТ НАМУНАСИ

(Боши биринчи бетда).

Совет Иттифоқи, социалистик ҳамдўстликдаги барча мамлакатлар уруш хавфига қарши, империалистик реакциянинг агрессив ниятлари ва кирдикорларига қарши ана шу буюк қурашда, тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун қурашда, халқларнинг миллий ва социал озодлик йўлидаги адолатли курашини қўллаб-қувватлашда ўртоқ Л. И. Брежнев жуда катта роль ўйнамоқда ва унинг бу соҳадаги ролини ҳамма эътироф этмоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнев яқинда ГФРга қилган визити вақтида илгари сурган энг муҳим конструктив таклифлар Европада ва бутун жаҳонда тинчлик ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлаш учун янги истиқболлар очиб беради.

Леонид Ильич, деди ўртоқ М. В. Зимянин, қардош Болгария пойтахтида ўтказилаётган бугунги тантаналарни партиямизнинг Болгария коммунистлари, меҳнаткашлари олдида қилган хизматлари эътироф этилганлигининг белгиси деб ҳисоблаганлигини сизларга билдиришни биздан илтимос қилди. Бу — замон синовидан ўтган, асрлар бўйи чўқур илдиз отган мустаҳкам Совет — Болгария дўстлигининг яна бир рамзидир. Ҳозирги кунда миллионларча совет ва болгар гражданларини бир-бири билан яқиндан боғлаб турган дўстлик қардош партияларимизнинг, давлатларимиз ва халқларимизнинг кўп қиррали ҳамкорлиги ва уларнинг муттасил яқинлашувини жадаллаштирувчи қудратли омил бўлиб хизмат қилади.

Совет кишилари БКП Марказий Комитетининг Бош секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси, халқаро коммунистик ҳаракатнинг таниқли арбоби, совет халқининг буюк дўсти ўртоқ Тодор Живковнинг қардошларча дўстлигимизга қўшган катта ҳиссасини ғоят қадрлайдилар.

Ўртоқ М. В. Зимянин нутқининг охирида Болгария коммунистларига ва халқига бахт-саодат, равнақ, меҳнатда янгидан-янги катта муваффақиятлар тилади.

Митинг қатнашчилари якдиллик билан Л. И. Брежневга мактуб қабул қилдилар. Улар бу мактубда Л. И. Брежневнинг туғилган кунига 75 йил тўлиши ва олий унвон — БХР Қаҳрамони унвонининг учинчи марта берилиши муносабати билан энг самимий табрикларини йўллайдилар, унга чин кўнгилдан сихат-саломатлик, бардамлик, улуғ Ленин партияси бахт-саодати йўлида, коммунизм ғалабаси йўлида самарали ишлашини тилайдилар.

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

Никарагуа Республикаси ташқи ишлар министри Мигель Д'Эското Брокман 14 декабрда Ленинграддан Москвага келди.

Вокзалда меҳмонни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Шу куни А. А. Громико М. Д'Эското Брокман билан музокаралар олиб борди.

Дўстона вазиятда ўтган музокаралар давомида СССР билан Никарагуа ўртасида тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат, ички ишларга аралашмаслик принципларига асосланган муносабатларнинг муваффақиятли ривожланаётганлигидан мамнуният изҳор этилди.

А. А. Громико 80-йилларга мўлжалланган Тинчлик программасини амалга ошириш соҳасида Совет Иттифоқининг КПСС XXVI съезди қабул қилган амалий тадбирлари тўғрисида, жумладан, Европада ядро қуролларини камайтириш юзасидан Л. И. Брежнев ГФРга визити вақтида Совет Иттифоқи номидан илгари сурган янги таклифлари ҳақида М. Д'Эското Брокманни хабардор қилди. Ядро ҳалокатининг олдини олиш, қуролланиш пойгасини пасайтириш ва қуролсизланиш тўғрисида БМТ Бош Ассамблеясида қабул қилинган резолюцияларнинг муҳим эканлиги алоҳида уқтириб ўтилди.

Томонлар барча давлатларнинг, шу жумладан, Марказий Америка ва Кариб ҳавзасидаги мамлакатларнинг ўз тараққиёт йўлини ташқаридан ҳеч қандай аралашувсиз белгилашдан иборат ажралмас ҳуқуққа эга эканлигини қатъий таъкидлаб ўтдилар. (ТАСС).

МИНИСТРНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИДА БЎЛИШИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громиконинг Никарагуа ташқи ишлар министри М. Д'Эското Брокман билан музокаралари 15 декабрь куни Москвада давом эттирилди. Музокаралар давомида ҳар икки томонни қизиқтирувчи бир қанча муҳим халқаро проблемалар юзасидан фикрлашиб олинди.

А. А. Громико шу куни М. Д' Эското Брокман шарафига нонушта зиёфат берди. Самимий, эркин вазиятда ўтган зиёфат вақтида министрлар нутқ сўзлаб, дўстона қадаҳ кўтардилар.

Никарагуа ташқи ишлар министри совет ва чет эл мухбирлари учун ўтказилган матбуот конференциясида нутқ сўзлади. У ўз визитидан мақсад Никарагуа билан Совет Иттифоқи ўртасида қарор топган қардошлик алоқаларини янада мустаҳкамлашдан иборат эканлигини таъкидлади. Н. А. Тихонов ва А. А. Громико ўртоқлар билан бўлган учрашувлар, деб уқтириб ўтди меҳмон, ошкоралик ва самимийлик вазиятида ўтди. Кўпгина масалалар, шу жумладан, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳам муҳокама қилинди. Бу муносабатларнинг истиқболлари ғоят яхшидир.

М. Д' Эското Брокман Никарагуа Совет Иттифоқига нисбатан тўла ишонч билдираётганлигини таъкидлаб ўтди. Биз, деди у, СССР бошқа мамлакатларни ҳурмат қилаётганини, тинчликсевар ташқи сиёсат ўтказаётганлигини кўриб турибмиз.

БМТ Бош Ассамблеясида илгари сурилган янги совет ташаббуслари, деди министр, СССР жаҳондаги барча халқларнинг манфаатларини ёқлаб чиқаётганлигидан, ўзи учун ҳеч қандай афзалликка интилмаётганлигидан яна бир бор далолат беради. Биз Совет Иттифоқи — халқлар виждони, жаҳон ҳамжамиятининг виждони, деган қоидага асосланамиз.

М. Д' Эското Брокман АҚШнинг Марказий Америкадаги агрессив сиёсатини танқид қилиб, Никарагуа ватанпарварларини чўчитиб бўлмайди, деб таъкидлади. Никарагуа реакцион режимдаги қўшни мамлакатлар учун таҳдид туғдирмоқда, деб уни айбламоқдалар, деди у. Лекин улар бизнинг революциямиздан қўрқмасликлари керак, чунки революция экспорт қилинмайди, балки улар ўз мамлакатида қаттиқ эксплуатация қилинаётган халқларнинг қаҳр-ғазабидан қўрқишлари керак.

Министр Лотин Америкасидаги мамлакатлар учун АҚШ империализми бирданбир хавф туғдирувчидир, деб таъкидлади. АҚШ империализми бошқа мамлакатларга қарши агрессия қилиш учун реакцион режимлардан трамплин сифатида фойдаланмоқда.

Бизнинг мамлакатимиз, деди М. Д' Эското Брокман, ҳеч қачон АҚШнинг қўғирчоғи бўлмайди, биз ўз эркинлигимизни мустаҳкамлаш йўлида қурбон бўлишга тайёрмиз.

Никарагуалик меҳмон кечқурун Совет Иттифоқидан жўнаб кетди.

Аэродромда уни А. А. Громико, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар. (ТАСС).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Ҳамма нарсадан азиз. Киноэпопея. 7-фильм. 11.05 — Ҳайвонот оламида. 12.05 — Концерт. 12.25 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.10 — А. Фадеев туғилган кунинг 80 йиллигига. 16.40 — Шахмат мактаби. 17.10 — Анъаналар давоми. 17.40 — Концерт. 18.30 — Миллионлар ленинча университети. 19.00 — Расмларда қуёш акси бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Концерт. 19.55 — Фан оламида. 20.25 — Фильм-концерт. 20.35 — Ҳамма нарсадан азиз. Киноэпопея. 8-фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Балет ҳақида. 23.20 — Ҳужжатли фильмлар. 23.50 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 — Ҳужжатли фильм. 10.05, 12.05 ва 17.00 — Испанча сўзлашинг. 10.35 ва 11.45 — Табиатшунослик. 10.55 — Партия адабиёти ва партия ташкилоти. 11.25 — Илмий-оммабоп фильм. 12.35 ва 13.35 — Зоология. 13.05 ва 17.30 — Оналар мактаби. 14.05 — Ўқув кўрсатуви. 14.50 — Концерт. 15.10 — Офицерлар. Бадиий фильм. 16.35 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — А. Карпов шахмат бўйича уч марта жаҳон чемпиони. 20.15 — Концерт. 21.15 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Ўчиш кечиктирилди. Бадиий фильм. 23.20 — И. Стравинский. Муқаддас баҳор.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Зоология. 12.00 — Санъат ғунчалари. 12.10 — Ўқув кўрсатуви. 13.00 — Қамал. Бадиий фильм. 3-қисм. 17.55 — Болалар учун фильм. 18.10 — Ёшлик. 19.00 КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! 19.30 — Ахборот. 19.45 — Телефильм. 19.55 — Ўзбекистон ССР халқ рассоми Н. Г. Карахан. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30— Время. 22.05 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.25 — Қамал. Бадиий фильм. 4-қисм.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Халқ қўшиқлари. 9.35 — Халқ ансамбларининг қатнашчилари ижро этади. 12.10 — Ўзбекистон ашчиси. 13.00 — Ферма илғорлари. 14.00 — Дала ишлари кундалиги. 18.15 — Ёшлик. 19.25 — Насруллон. Ўзбек классик куйларидан. 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 — Н. Қобул. Оқ кабутар. Ҳикоя. 21.30 — Чорвадорлар учун концерт. 22.30 — Олтин водий қўшиқлари. 23.15 — Дам олиш концерти.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ТОШКЕНТ РАЙОНИДАГИ
68-ҚИШЛОҚ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1981—1982 ўқув йили учун
8—10-СИНФНИ БИТИРГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ
асаларичилик ихтисоси бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚУВЧИЛАР СТИПЕНДИЯ, УЧ МАҲАЛ ИССИҚ ОВҚАТ, ЕТОҚХОНА ВА КИЙИМ-КЕЧАК БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Ўқиш даври узлуксиз иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини имтиёзли тамомлаган ҳар бир йигит-қиз олий ўқув юртларига конкурссиз кириб ўқиш ҳуқуқига эгадирлар.

Билим юртида ўрта таълимни давом эттиришга имконият бўлиб кечки ишчи ёшлар мактабининг 9—10 ва 11-синфлари мавжуддир.

КОЛХОЗ ЁКИ СОВХОЗДАН ЙЎЛЛАНМА БИЛАН КЕЛГАНЛАР ЎЗ ЖОЙЛАРИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни қабул комиссиясига топширишлари керак: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, 8 ёки 10-синфни битирганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки аттестат, туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан справка, 8 та расм (3х4 см ҳажмда) соғлиғи ҳақида справка.

Билим юрти адреси: Тошкент область, Тошкент райони, А. Абдурахмонов номли совхоз.

Билим юртига Келес автостанциясидан 292-автобусда охирги бекатигача борилади.

КОММУНИСТ ТЎҒРИСИДА ФОТОПОВЕСТЬ

ТБИЛИСИ, 15 декабрь. (ТАСС). Бугун Тбилисида очилган фотоҳужжатлар кўргазмаси ўртоқ Л. И. Брежнев туғилган кунининг 75 йиллигига бағишланган. Кўргазманинг жуда кўп экспонатлари оташин ленинчи коммунист ҳаётининг шонли саҳифалари. Леонид Ильични халқ билан боғлаб турган чуқур ва мустаҳкам ришталар ҳақида ҳикоя қилади.

Уруш йилларидаги фотосуратлар унинг Улуғ Ватан урушида актив қатнашганлиги, Кичик ерликлар жасорати тўғрисида ҳикоя қилади. Л. И. Брежневнинг Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш, социализм ҳамдўстлик бирлиги ва шуҳратини мустаҳкамлаш соҳасидаги кўп қиррали фаолиятига оид ҳужжатли материаллар кўргазмага қўйилган.

Махсус бўлим шу йилги унутилмас май кунларига, Совет Грузияси ва унинг Компартиясининг 60 йиллиги шарафига ўтказилган тантаналарга, Леонид Ильич Брежневнинг бу тантаналарда қатнашганлигига бағишланган.

Кўргазмани очиш маросимида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. А. Шеварднадзе ҳозир бўлди.

Кремлда қабул

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов 15 декабрь куни Кремлда Франция давлат министри, ташқи савдо министри М. Жоберни қабул қилди. М. Жобер доимий ишлов'чи аралаш Совет — Франция комиссияси XVI сессиясида Франция делегациясига бошчилик қилган эди.

Суҳбат чоғида ҳар иккала томон СССР билан Франциянинг икки томонлама ҳамкорлиги якунларига ижобий баҳо берди ва бу ишда Совет — Франция комиссияси актив роль ўйнаганлигини қайд этди. 1980—1990 йилларгача бўлган даврда СССР билан Франция ўртасидаги иқтисодий, саноат ва техникавий ҳамкорликни чуқурлаштиришнинг узоқ муддатли программасини амалга ошириш соҳасида талайгина ишлар бажарилди. 1981 йилда француз фирмаларининг Совет Иттифоқига турли саноат объектлари учун, шу жумладан экспорт газ қувури учун машиналар ва асбобускуналар етказиб бериш тўғрисида бир қанча янги битимлар тузилди. Ҳамкорликнинг кенг миқёсдати бошқа бир қанча лойиҳалари юзасидан ҳам музокаралар олиб борилмоқда.

Н. А. Тихонов Совет ҳукуматининг СССР билан Франция ўртасидаги муносабатларни муттасил ривожлантиришга қаратилган йўлини таъкидлади. Бундай ҳамкорлик халқаро кескинликни юмшатиш соҳасида ҳамон катта омил бўлиб хизмат қилиши мумкин. Н. А. Тихонов Совет Иттифоқининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ГФРга қилган визити вақтида олга сурган ҳамда қуролсизланиш ва халқаро кескинликни юмшатиш ишида силжишга эришишга қаратилган янги таклифларига алоҳида эътиборни жалб қилди.

Суҳбат дўстона вазиятда ўтди.

(ТАСС).

СУҲБАТ БЎЛИБ ЎТДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико 15 декабрь куни доимий ва қўшма Совет — Франция комиссиясининг XVI сессияси ўтказилиши муносабати билан Москвага келган Франция давлат министри, ташқи савдо министри М. Жоберни қабул қилди.

Совет — Франция муносабатларига доир масалалар юзасидан фикрлашиб олиш вақтида ҳар икки томон ана шу муносабатларни СССР ва Франция халқларининг дўстлиги ҳамда ҳамкорлиги манфаатларига мувофиқ даражада сақлашга интилаётганлиги изҳор қилинди. А. А. Громико Совет Иттифоқининг Франция билан муносабатларни ривожлантиришга қаратилган принципиал йўлини Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездида аниқ таърифлаб берганлигини таъкидлади.

Ҳозирги халқаро вазиятнинг баъзи актуал проблемалари кўриб чиқилди. Совет томони Шарқ билан Ғарб ўртасида, аввало уруш ва тинчлик, кескинликни юмшатиш, қуролланиш пойгасини тўхтатишга доир туб масалалар юзасидан мулоқотларни давом эттириш мақсадида барча давлатлар актив ҳаракат қилишлари зарур эканлигига катта эътибор берди: Шу муносабат билан СССР ва Франция ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни кенгайтириш катта аҳамиятга эгадир.

А. А. Громико НАТОнинг Америкада тайёрланган янги ракета-ядро қуролини Европа қитъасида жойлаштириш ҳақидаги режалари хавф туғдираётганлигига алоҳида эътибор берди. Совет Иттифоқи Европада ядро қуролларини тугатиш, мозакаралар олиб бориб, тенглик ва бир хил даражадаги хавфсизлик асосида ҳарбий муҳолифлик даражасини камайтирадиган аҳдномалар тузиш тарафдоридир.

Суҳбат ижобий вазиятда ўтди.

(ТАСС).

ЎРТОҚ БАБРАК КАРМАЛ ТОШКЕНТДА

Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Афғонистон Демократик Республикаси Революцион Кенгашининг Раиси Бабрак Кармал 15 декабрь куни Тошкентда қисқа муддат тўхтаб ўтди.

АДР, СССР ва Ўзбекистон ССР Давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида Бабрак Кармални ва унинг ҳамроҳларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, бошқа расмий кишилар қутиб олдилар. Бабрак Кармални Тошкент меҳнаткашларининг вакиллари, Ўзбекистон пойтахтининг ўқув юртларида таълим олаётган афғонистонлик йигит ва қизлар табрикладилар.

Шу куни Бабрак Кармал Тошкентдан жўнаб кетди.

(ЎзТАГ).

ДЎСТОНА СУҲБАТ

15 декабрь куни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Македония Социалистик Республикаси Мажлиси раисининг биринчи ўринбосари Мито Мицайкович бошчилигидаги Македония Социалистик Республикаси делегацияси аъзоларини қабул қилди. Бўлиб ўтган дўстона суҳбатда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госпланининг раиси Қ. А. Аҳмедов, Ўзбекистон ССР министрлари Б. А. Абдуразоқов, М. П. Йўлдошев иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШМОҚДАЛАР

СССР Ташқи ишлар министрлиги матбуот бўлими ҳузуридаги чет эллик мухбирлардан бир группаси Ўзбекистонга келди. Улар бир ҳафта давомида республика ҳаёти билан танишадилар, Фарғона водийсига, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларига борадилар.

Чет эллик журналистлар Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасини, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетини бориб кўрдилар, республика пойтахтининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар. Чет эллик мухбирларни Ўзбекистон касаба союзлари республика советининг раиси Н. М. Маҳмудова қабул қилди.

16 декабрь куни мухбирлар Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси Қ. А. Аҳмедов билан суҳбатлашдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йил самарали ишлаганликлари, чорвачиликни ривожлантиришда муваффақиятга эришганликлари учун ва Жиззах область, Зарбдор районида «Конезавод—76» совхози ташкил этилган кунга 50 йил тўлиши муносабати билан совхоз йилқи боқувчиси ўртоқ Ҳайдар **Абсаматов**, бош зоотехниги Жўра **Чапабоев** ва сут соғувчиси Холдан **Эшматова** ўртоқларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган чорвачилик ходими» фахрий унвони берди.

Совхознинг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми совет органларини кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишлар мудирлиги бўлим мудирининг ўринбосари ўртоқ Константин Константинович **Полторадиевни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

Л. И. БРЕЖНЕВ АСАРЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

ТЕРМИЗ, 15 декабрь. (ЎзТАГ). Леонид Ильич Брежнев туғилган кунининг 75 йиллигига бағишланиб Сурхондарё область кутубхонаси залида китоб-суратлар виставкаси ташкил этилди. Виставка стендларига ўртоқ Л. И. Брежневнинг рус ва ўзбек тилларида нашр этилган «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ», «Эсдаликлар» китоблари, мақолалар ва нутқлари тўпламлари кўйилган.

Областнинг барча кутубхоналарида худди шундай виставкалар очилди.

Шиоримиз — дўстлик ва қардошлик

МАКЕДОНИЯДАН КЕЛГАН ДЎСТЛАР БИЛАН САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР

Македония Социалистик Республикасининг делегацияси Ўзбекистон ҳаёти билан танишишни давом эттирмоқда. Шу кунларда Югославия Социалистик Федератив Республикасидан келган дўстлар корхоналарда, ўқув юртларида, илмий мусассаларда, хуллас, ҳамма ерда шодиёна кутиб олинмоқдалар, ўртоқларча қизғин суҳбатлар бўлмоқда.

В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети. Бу ерда македониялик ўртоқларни қадимги танишлардек кутиб олдилар: ТошДУ билан Македония пойтахти Скопле университети ўртасида кўп йиллардан буён ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома амал қилиб келмоқда. Олий мактаблар илмий ва методик ахборотларни мунтазам суратда айирбошлаб турибди, тошкентлик муаллимлар Скопледа лекциялар ўқимоқдалар, македониялик олимлар Тошкентда машғулотлар ўтказишмоқда. Бу галги учрашувда ҳам ана шу алоқаларни кенгайтириш тўғрисида гап борди.

Меҳмонлар тошкентлик студентларга миннатдорчилик изҳор қилдилар. Тошкентлик студентлар интернационал қурилиш отряди составида мана бир неча йилдирки, Югославия орқали ўтадиган қитъаларо автомобиль магистралини барпо этишда қатнашиш учун Македонияга бормоқдалар.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг меҳнаткашлари делегация аъзоларини самимий кутиб олдилар. Тўқимачилар хилма-хил маҳсулот намуналарини меҳмонларга кўрсатдилар, КПСС XXVI съезди қарорларини бажариш соҳасидаги ўз муваффақиятлари тўғрисида сўзлаб бердилар, югославиялик ҳамкасбларига салом топширдилар.

Скопле билан биродарлашган Тошкентнинг янги қурилишларини кўздан кечириш делегация аъзоларида зўр қизиқиш уйготди. Чунки иккала шаҳар ҳам вайронгарчилик келтирган зилзилани бошидан кечирган. Македониялик дўстлар табиий офат зарбаларидан вайрон бўлган эски ўй-жой ўрнида қад кўтарган янги кварталлар ва саройларни мамнуният билан томоша қилдилар.

Шаҳарни қайта тиклашнинг суръатлари ва методлари халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида ўтган суҳбатнинг бош мавзуи бўлди. Шаҳар ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов мислсиз қисқа муддат ичида янги Тошкент қандай бунёд этилганлиги билан меҳмонларни таништирди. Македониядан келган дўстларнинг ҳам айтадиган гаплари кўп эди. Ўзбекистон пойтахти каби Скопле ҳам интернационал қардошлик кучи билан, Югославиядаги барча халқларнинг ёрдами туфайли харобалардан тикланди ва ҳозир энг кўркам ва обод шаҳарларнинг бири бўлиб қолди.

Делегация аъзолари В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалини бориб кўрдилар. «Жаҳон пролетариати йўлбошчисининг бу музейи ўзининг зўр таассурот қолдирадиган экспозицияси билан бутун дунё учун улуғ Ленин таълимоти, Октябрь социалистик революциясининг нури доимий аҳамиятга эга эканлигини яққол кўрсатади. Экспонатларда халқлар ленинча дўстлиги қуёши остида барқ уриб яшнаган Совет Ўзбекистонида коммунистик қурилишдаги муваффақиятлар ёркин акс эттирилган» — дўстлар фахрли меҳмонлар китобига ана шу сўзларни ёзиб қолдирдилар.

Македония Социалистик Республикасининг делегацияси республика бўйлаб сафар қилди. Меҳмонлар Бухорода унинг тирихий ва қадимий маданият ёдгорликларини, янги кварталларини томоша қилдилар. Октябрь 40 йиллиги номидаги зардўзлик буюмлари фабрикаси чеварларининг нафис ишларини завқ билан кўздан кечирдилар. Сўнгра улар Самарқандга жўнаб кетдилар.

Делегация бошлиғи, Македония Социалистик Республикаси Мажлиси раисининг биринчи ўринбосари Мито Мицайкович қуйидагиларни айтди:

— Бу визит бизда унутилмас таассурот қолдирди. Биз Ўзбекистон бадавлат ва гуллаб-яшнаётган республика эканлиги тўғрисида илгари ҳам эшитган эдик. Аммо кўрганларимиз кутганимиздан ҳам зиёда бўлди. Энг асосийси эса, биз бу ерда ўзимизни самимий ва яқин дўстларимиз орасида, деб ҳис қилдик. Биз ишонамизки, Ўзбекистон билан Македония ўртасида экономика, фан ва маданият соҳасидаги ҳамкорлик бундан буён ҳам мустаҳкамланиб ривожланаверади. Яна бир нарса тўғрисида айтмоқчиман: ўзбек пахтакорларининг бой тажрибаси бизни жуда қизиқтиради. Чунки «оқ олтин» мамлакатимиз жанубида ҳам етиштирилади.

(ЎзТАГ).

ОЛИМЛАР — ПАХТАЧИЛИККА

15 декабрь куни СОЮЗНИХИда Бутуниттифоқ пахтачилик координация кенгашининг мажлиси очилди. Мамлакатимизнинг барча пахтакор республикаларидан келган олимлар КПСС XXVI съезди қарорлари асосида ўн биринчи беш йилликдаги илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш вазифаларини муҳокама қилмоқдалар.

Ғўза ва у билан алмашлаб экиладиган экинлар парваришининг индустриал технологиясини ишлаб чиқиш, тезпишар, серҳосил, толаси сифатли ҳамда вилтга бардош бератган янги навларни яратиш, тупроқ унумдорлигини ошириш борасидаги тадқиқотларни кенгайтириш мажлисда кўриб чиқилаётган проблемалар жумласига киради.

(ЎзТАГ).

Деҳқон бўлсанг, шудгор қил!

Республика областларида шудгорлашнинг бориши тўғрисида шу йил 16 декабрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда шудгорланган майдон; учинчи устун — мавсум бошидан бўён (топшириққа нисбатан процент ҳисобида).

ЖИЗЗАХ	—	103,5
НАМАНГАН	—	101,4
ФАРҒОНА	—	100,6
ТОШКЕНТ	—	100,0
Сирдарё	0,3	99,6
ҚҚАССР	—	98,1
Андижон	2,7	91,9
Қашқадарё	3,6	77,6
Бухоро	3,0	66,2
Сурхондарё	6,1	60,8
Хоразм	0,7	60,5
Самарқанд	2,5	49,7
Республика бўйича:	1,8	84,2

Редактор ўринбосари Б. ЮСУПОВ.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/XII да **Абу Али ибн Сино.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/XII да **Сокин тонглар** (премьера). 18/XII да **Сокин тонглар.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **янги программа. СОВЕТ ЦИРКИ УСТАЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ.**

Ўзбекистон ССР Госплани
ИНФОРМАЦИОН-ҲИСОБЛАШ МАРКАЗИ
қишлоқ хўжалиги планли ҳисоб-китобларининг автоматлаштирилган системасини ишлаб чиқиш бўлими мудири
ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — 14 январгача.

Мурожаат учун адрес: 700017, Тошкент шаҳри, 17-алоқа бўлими, академик Х. Сулаймонова кўчаси, 29-уй. Телефон 39-14-67.

●

СССР Енгил саноати раҳбар ходимлари ва мутахассисларининг малакасини ошириш Бутуниттифоқ институти
ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ
вакант вазифаларга
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудири: тўқимачилик ишлаб чиқариши техникаси ва технологияси:

кафедра катта ўқитувчиси: тўқимачилик ишлаб чиқариши янги техникаси ва технологияси.

КОНКУРС МУДДАТИ — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ариза ва ҳужжатлар филиал директори номига қуйидаги адрес бўйича юборилсин: Тошкент шаҳри, 70-алоқа бўлими, Баранов кўчаси, 40-уй.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли «УЗБЕКГИДРОЭНЕРГОСТРОЙ» трестининг
ЎҚУВ КОМБИНАТИ
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА:
КУРСЛАРГА
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

автокран машинисти (шофёрлардан), бульдозер машинисти, электр-газ пайвандловчи, металл конструкциялар ва йиғма темир-бетонлар монтажчиси, слесарь-сантехник.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 3 ОЙ.

Ойига 75 сўмдан стипендия тўланади, бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхоналардан жой берилади.

Курсларни битирган кишилар Тошкент, Қибрай, Янги Ангрендаги ихтисослаштирилган ишлар бошқармаларига ишга юборириладилар.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАРИНИНГ КОМПЛЕКТЛАНИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Барча масалалар бўйича ушбу адресга мурожаат этилсин: 700170, Тошкент шаҳри, Комсомол 40 йиллиги кўчаси, 39«а»-уй. Телефон 66-09-02.

Тошкент давлат педагогика институти ректорати, партия комитети, жамоат ташкилотлари ҳамда табииёт—география факультети коллективи табииёт ўқитиш методикаси кафедрасининг доценти С. К. Хабировага онаси

Кафиль Сагдуллич ХАБИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент давлат университети амалий физика илмий-тадқиқот институти коллективи лазер техникаси, оптика ва акустика лабораторияси инженери Т. С. Асиловга онаси

Гулжаҳон АСИЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правленеси ва СССР Адабиёт фондининг Ўзбекистон бўлими СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси, Ҳамза мукофоти лауреати Ҳаким Назирга онаси

Малика ОЛИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 32-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропаганда ва — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиш — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32,55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-35-53, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонеси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-70-78; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02417. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 290. 5